



Чаласавод ва порахўр прокурор истеъфосини талаб қиламиз!

ТЕЛЕГРАММА

Тошкент. Матбуотчилар кўчаси 6 уй. Президент девонига.

Президент Ислом Каримовга.

20.11.2004 йил

Жаноб Президент!

Сиз Фарғона вилоятида ўтказилган ташкилий сессияда «Қонун бузилишларга чек қўйиш, вазиятни соғломлаштириш прокуратуранинг зиммасида» дегандингиз. Лекин халқнинг қонини ичаётган бу балохўр ташкилот раҳбарлари ҳанузгача халқни ҳукуматга қарши қайраш билан банд бўлмоқда.

Мисол тариқасида шуни маълум қилишимиз керакки, Олтиариқ тумани маъмурий органлар раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимият амалдорларининг жиноий кирдикорлари ва уларнинг жиноий шериклари Риштон туманлараро фуқаролик суди судьяси Ориф Ишматовнинг ҳужжатлар қалбакилаштираётганлиги ва бошқа кирдикорлари фош этилган 7154 сўмлик ва 4184 сўмлик 2 та телеграммани сизни номингизга 27 октябрь куни жўнатгандик ва жиноятчи амалдор кимсаларнинг жиноятлари учун истеъфога чиқаришни, акс ҳолда Сиз бошқараётган ҳукуматнинг истеъфога чиқарилишини талаб қилиб норозилик тадбирлари ўтказишга мажбур бўлишимизни билдирган эдик.

Ушбу телеграммаларимизни «Фуқароларнинг мурожаатлари ҳақида»ги Қонунга зид равишда бизда мавжуд бўлган далиллар билан қизикмасдан, суриштирув ишлари олиб бормасдан, биз билан суҳбатлашмасдан туриб, Фарғона вилоят прокурорининг порахўр ва чаласавод ўринбосари Азизхон Ҳақимов 16 ноябрь куни бизга 114-281-04 рақамли хат билан онгсизларча жавоб йўллабди.

Унинг жавоб хати бўйича Олтиариқ туман ҳокимияти, туман молия бўлими, ИИБнинг бир гуруҳ ходимлари ва Жиноят ишлари бўйича судининг раиси Тожддин Ваҳобовни ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш учун Турсунов Шамсиддинни манфаатини кўзлаб адвокат Б.Абдуллаев, Хусниддин Турсунов ва Мўътабар Тожибоеваларнинг даъво аризалари бўйича юритилган фуқаролик ишлари даъвогарлар бир неча марта чақирилганликларига қарамасдан судга келмаганликлари сабабли Риштон туманлараро судининг 28 октябрь кунги ажрими билан Ўз.Рес.ФПКнинг 97-моддаси 4-бандига асосан кўрмасдан қолдирилибди.

Шунчалик чаласавод одам вилоят прокурори ўринбосари лавозимида ўтириши фожеа эмасми? Ахир биз 27 октябрь куни Олтиариқ туман Жиноят ишлари суди бинотида жавобгарларни келишини кеч соат 15гача кутганлигимиз, жавобгар Тожддин Вахобов ҳам қочиб кетгани ҳақида ёзганмизку ўз талабномамизда. Риштон туманлараро фуқаролик суди судяси Ориф Ишматов ўзи ҳам 27 октябрь куни жавобгарларни судга чақириб келтира олмай ўтирганди-ку?

Чаласавод прокурор ўринбосари ёзганидек биз чақирув қозони олиб судга бормаган бўлсак ва Сизни алдаб телеграмма юборган бўлсак прокурор бизга тухмат учун жиноят иши қўзғамасмиди?

Бу чаласавод прокурор Сизга юборилган телеграммалардаги важдларни «...мазкур фуқаролик ишлари билан бирга ўрганиб чиқилди» деб ёзган. ФПКнинг 13-боби 132,133,134,135,136,137-моддаларида суд хабарномалари ва чақирувлари ҳақида аниқ ва равшан қилиб ёзиб қўйилган.

Биз эса 22 октябрь куни ўтказиладиган суднинг чақирув қозонини 21 октябрь куни кеч соат 21да олдик. ФПКнинг 134-моддасига асосан судга ўз вақтида келиш ва ишга тайёрланиш учун етарли вақт бўлиши кераклиги боис, шунингдек 22 октябрь куни Кува туман жиноят ишлари судида иштирок этишимиз шартлиги туфайли Риштон туманлараро фуқаролик судига зудлик билан телеграмма юборганмиз Телеграммани суд раиси котибаси қабул қилиб олган. 27 октябрь куни Риштон туманлараро фуқаролик судига борганимизни эса 50дан ортиқ одам кўрган ва улар гувоҳлик беради.

12-ноябрь куни Риштон туманлараро фуқаролик судига бориб судья Ориф Ишматовдан ишни қачон қилишини сўраганимизда, у ўзи хабар беришини айтди. Аждим ҳақида ҳеч нарса демади. Чунки Азиз Ҳакимовни алдаш мумкин. Унга ёлгон гапирса манфаат кетидан қувиб, пора эвазига индамай қолади. Биз эса бизни алдашларига йўл қўймаймиз.

Судья Ориф Ишматов нафақат ушбу фуқаролик ишларида, балким Ҳасанова Саодат, Ҳасанов Шухрат, Ҳасанов Муродлардан моддий ва маънавий зарар 1400 минг сўмни даъвогар Мамажонова Дилдорага ундириш ҳақида чиқарган ноқонуний қарорини ўз кучида қолдириш учун ҳар қандай жирканчликлардан қайтмаяпти.

Ҳасанова Саодат, Ҳасанов Шухрат ва Ҳасанов Муродлар Олтиариқ туман ИИБ раҳбарлари томонидан уюштирилган фитна туфайли маъмурий жавобгарликка тортилганлар. Судья Тожддин Вахобов ҳужжатларни қалбакилаштириб, ғайриқонуний қарор чиқарган. Унинг қарори Жиноят ишлари бўйича вилоят судида, кейин Тошлоқ туман судида бекор қилинган, Ушбу қарорларга асосан фуқаролик тартибиде кўрилган ва қабул қилинган қарор бекор бўлиши аниқ.

Судья Ориф Ишматовнинг 25 август кунги ғайриқонуний қарорини бекор қилишни талаб қилиб апелляция шикоятини ёзсак қабул қилмади. Биз апелляция муддатида почта орқали юборсак, ноқонуний равишда «апелляция шикоятини кечикиб берилгани учун қабул қилинмади» деб қайтариб юборган. Аслида аждим чиқариши керак эди.

Фарғона вилоят фуқаролик ишлари апелляция судлов хайъатига 11 ноябрь куни ариза билан мурожаат қилиб ФПКнинг 92-моддасини 4-бандига кўра ушбу ишга бевосита боғлиқ бўлган маъмурий иш ҳозирда вилоят жиноят ишлари судида апелляция инстанциясида кўрилатганлиги боис иш юритишдан тўхтатиб туришни талаб қилгандик.

ЖИБ суди судьяси Тожддин Вахобов ва фуқаролик суди судьяси Ориф Ишматов Олтиариқ туман ИИБдаги наркобарон шерикларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай жирканчликлар қилишяпти.

Улар томонидан расмийлаштириладиган қалбаки хужжатларни ёзиб, тинимсиз жиноятлар содир этадиган югурдаклари фуқаролик суди котиби Жаҳонгир ва Жиноят ишлари Олтиариқ туман суди котиби Илхом Райимовлар 19 ноябрь куни кечаси 22ларда Хасанова Саодатни уйига бостириб боришиб, 20 ноябрь шанба кунига вилоят фуқаролик суди судьяси Мавлуда Арзибоева олдига эрталаб соат 10га етиб боришини айтиб чақирув қоғози бериб, чақирув қоғозини олганлиги ҳақида имзо чектириб олишган.

20 ноябрь куни нафақат Саодат Хасанова, барчамиз, яъни унинг ишончли вакиллари ҳам судга борсак вилоят судида семинар бўлаётган экан ва шанба иш куни деб эълон қилинмаган экан.

Биз 3 декабрь Ҳалқаро ногиронларни ҳимоя қилиш кунигача Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг раиси Тожддин Вахобовни, Риштон туманлараро фуқаролик суди судьяси Ориф Ишматовни, ногирон аёлни алдаган югурдаклар фуқаролик суди котиби Жаҳонгирни, Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди котиби Илхом Райимовни, бу жиноятчиларнинг ҳомийси чаласавод ва порахўр Фарғона вилоят прокурори ўринбосари Азизхон Хақимовни истеъфога чиқариб, ушбу судлардаги ишларимизни қонуний ҳал этилишига амалий ёрдам бермас экансиз, 3 декабрь куни Фарғона вилоят прокуратураси бинотида «Меҳр ва мурувват йили»да фуқароларига зулм ва жабр кўрсатаётган ҳукуматнинг истеъфосини талаб қилиб Инсон ҳуқуқлари фаоллари, тарафдорларимиз, яқинларимиз билан биргаликда норозилик намойиши ўтказамиз.

Ўтказилажак намойиш учун қонун олдида жавоб беришга тайёрмиз.

Ўтказилажак намойиш ташкилотчилари:

**«Ўтюралар» Клуби Инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш Ташкилоти раҳбари,
мустақил журналист
Мўътабар Тожибоева**

**Фаоллар Махбуба Пирматова, Ҳамроқул Пирматов,
Мўйдин Мусурмонқулов, Саодат Хасанова ва бошқалар.**